

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТошПТИ ректори

Б.Т.Даминов

“ 2022 й

“КЕЛИШИЛДИ”

ТошПТИ ўқув ишлари проректори

Қ.Н.Хаитов

“ 31 ” 08 2022 й

Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2022-2023 ўқув йилида Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда № 3069 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом асосида ишлаб чиқилган “Тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги низом” IV-V курс талабалари учун қўлланилади.

**Тиббиёт олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 26 сентябрда №3069 қайд рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 29 сентябрдаги 820-сонли буйруғи билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида”ги низом асосида ишлаб чиқилган

1-боб. Умумий қоидалар

1.Мазкур Низом 2018-2019 ўқув йилида олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилинган талабаларнинг билимини назорат қилиш ҳамда баҳолашда қўлланилади.

2.Мазкур Низом талаблари қонун ҳужжатларига мувофиқ ўқув жараёни модул тизимига асосланган олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашда қўлланилмайди.

3.Талабалар олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари томонидан биринчи машғулотда мазкур Низом талаблари билан таништирилиши шарт

4.Талабалар билимини баҳолашда малакавий амалиёт, курс иши, фан (фанлараро) давлат аттестацияси, битирув малакавий иши, шунингдек магистратура босқичида илмий-тадқиқот ва илмий-педагогик ишлар ҳамда магистрлик диссертацияси бўйича мазкур Низомда белгиланган баҳолаш мезонлари қўлланилади.

2-боб. Назорат турлари ва баҳолаш мезонлари

1-§. Назорат турлари

5. Талабалар билимини назорат қилиш **жорий**, оралик ва якуний назорат турларини ўтказиш орқали амалга оширилади.

6. Оралик назорат семестр давомида ишчи фан дастурининг тегишли бўлими тугагандан кейин талабанинг билим ва амалий кўникмаларини баҳолаш мақсадида ўқув машғулотлари давомида ўтказилади.

7. Оралик назорат тури ҳар бир фан бўйича фаннинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолда 2 мартагача ўтказилиши мумкин.

8. Оралик назорат турини ўтказиш шакли ва муддати фаннинг хусусияти ва фанга ажратилган соатлардан келиб чиқиб тегишли кафедра томонидан белгиланади.

9. Семестр давомида ҳафтасига 4 академик соат (72 соат)дан кам бўлган фанлар бўйича оралик назорат тури ўтказилмайди.

10. Талабанинг амалий, семинар, лаборатория машғулотлари ва мустақил таълим топшириқларини бажариши, шунингдек унинг ушбу машғулотлардаги фаоллиги фан ўқитувчиси томонидан баҳолаб борилади. Баҳолаш мазкур Низомнинг 15-бандида назарда тутилган мезонлар асосида амалга оширилади.

11. Якуний назорат фан якунида тегишли фан бўйича талабанинг назарий билим ва амалий кўникмаларини ўзлаштириш даражасини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

12. Якуний назорат турини ўтказиш шаклини ОТМнинг марказий услубий кенгаши белгилайди ва ОТМнинг буйруғи билан тасдиқланади.

13. Якуний назорат тури ўқув-услубий бўлим томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда ўқув ишлари бўйича проректор тасдиқлайдиган Якуний назорат турларини ўтказиш жадвалига мувофиқ ўтказилади.

14. Оралик ва якуний назорат турлари объектив тизимлаштирилган клиник синов ёки объектив тизимлаштирилган имтиҳон шаклларида ўтказилиши мумкин.

2-§. Талабалар билимини баҳолаш мезонлари

15. Талабаларнинг билими қуйидаги мезонлар асосида:

- талаба мустақил ҳулоса ва қарор қабул қилади, ижодий фикрлай олади, мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда - 5 (аъло) баҳо;

- талаба мустақил мушоҳада юритади, олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда - 4 (яхши) баҳо;

- талаба олган билимини амалда қўллай олади, фаннинг (мавзунинг) моҳиятни тушунади, билади, ифодалай олади, айтиб беради ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга деб топилганда - 3 (қониқарли) баҳо;

- талаба фан дастурини ўзланштирмаган, фаннинг (мавзунинг) моҳиятини тушунмайди ҳамда фан (мавзу) бўйича тасаввурга эга эмас деб топилганда - 2 (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланади.

16. Назорат турларини ўтказиш бўйича тузилган топшириқларнинг мазмуни талабанинг ўзлаштиришини ҳолис (объектив) ва аниқ баҳолаш имкониятини бериши шарт.

3-боб. Талабалар билимини баҳолаш

17. Талабалар билимини баҳолаш 5 баҳолик тизимда амалга оширилади.

18. Оралиқ ва якуний назорат турларини ўтказиш, шунингдек талабаларнинг билимини баҳолаш тегишли кафедра мудирининг томонидан ташкил этиладиган комиссия томонидан амалга оширилади.

- комиссия таркиби тегишли фан профессор-ўқитувчилари ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

- комиссия таркибига келишув асосида бошқа ташкилотларнинг соҳа мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

19. Олий таълим муассасасида назорат турларини ўтказилиши тегишли олий таълим муассасасининг таълим сифатини назорат қилиш бўлими томонидан доимий равишда ўрганиб борилади.

- бунда назорат турларини ўтказилиш тартиби бузилганлиги аниқланган ҳолларда, ўтказилган назорат турларининг натижалари бекор қилиниши ҳамда тегишли назорат тури қайтадан ўтказилиши мумкин.

20. Маъруза, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини қолдирган ёки қониқарсиз баҳо олган ва уни қайта топширмаган талаба оралиқ назоратга киритилмайди.

Талабалар тегишли фан бўйича якуний назорат тури ўтказиладиган муддатга қадар оралиқ назорат турини топширган бўлишлари шарт.

21. Оралиқ назорат турини топширмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба якуний назорат турига киритилмайди.

- якуний назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

22. Талаба узрли сабабларга кўра оралиқ ва (ёки) якуний назорат турига кирмаган тақдирда ушбу талабага тегишли назорат турини қайта топширишга факультет деканининг фармойиши асосида рухсат берилади.

23. Бир кунда 1 тадан ортиқ фан бўйича якуний назорат тури ўтказилишига йўл қўйилмайди. Якуний назорат турларини ўтказиш камида 2 кун оралиғида белгиланиши лозим.

24. Битирувчи курс бўлмаган талабалар кузги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган ҳолларда талабага бир ойгача, баҳорги семестр натижалари бўйича 3 тагача фандан (фанлардан) академик қарздорлиги бўлган талабага тегишли фан (фанлар) бўйича оралиқ ва (ёки) якуний назорат турларини янги ўқув йили бошидан қайта топшириш учун 1

ой муддат берилади.

- битирувчи курс талабаларига баҳорги семестр натижалари бўйича ўзлаштирмаган фандан (фанлардан) қайта топшириш учун якуний давлат аттестацияси бошлангунга қадар рухсат берилади.

- фанлардан академик қарздорлиги 4 та ва ундан кўп бўлган талабаларга қайта топширишга рухсат берилмайди ва улар олий таълим муассасаси ректорининг (бошлиғининг, филиал директорининг) буйруғи билан курсдан қолдирилади.

25.Талабага оралик ва (ёки) якуний назорат турини қайта топшириш учун берилган муддат давомида талаба томонидан қайта топширишлар сони 2 мартадан кўп бўлмаслиги керак.

- талаба оралик ва (ёки) якуний назорат турини биринчи марта қайта топширишдан ўта олмаган тақдирда, факультет декани томонидан комиссия тузилади. Комиссия таркиби тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи ва соҳа мутахассислари орасидан шакллантирилади.

- иккинчи марта оралик ва (ёки) якуний назорат турини ўтказиш ва талабани баҳолаш мазкур комиссия томонидан амалга оширилади.

26. Берилган муддат давомида мавжуд бўлган қарздорликни топшира олмаган талаба бўйича факультет декани билдирги билан олий таълим муассасаси ректорини (бошлиғини, филиал директори) хабардор қилади ва ушбу талаба ректор (бошлиқ, филиал директори) буйруғи асосида курсдан қолдирилади.

27.Талаба узрли сабабларсиз малакавий амалиётга қатнашмаган, шунингдек малакавий амалиёт якунлари бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ҳолларда, у академик қарздор ҳисобланади ва курсдан қолдирилади.

28.Курсда қолдирилган талаба фанни (фанларни) ўзлаштирмаган семестр бошидан тўлов-контракт асосида мазкур ўқув йилининг тегишли семестри учун тасдиқланган ўқув режага мувофиқ ўқишни давом эттиради.

29.Баҳолаш натижасидан норози бўлган талабалар факультет декани томонидан ташкил этиладиган Апелляция комиссиясига апелляция бериш ҳуқуқига эга.

30.Апелляция комиссияси таркибига талабани баҳолашда иштирок этмаган тегишли фан профессор-ўқитувчилари орасидан комиссия раиси ва камида тўрт нафар аъзо киритилади.

31.Талаба баҳолаш натижасидан норози бўлган тақдирда, баҳолаш натижаси эълон қилинган вақтдан бошлаб 24 соат давомида апелляция бериши мумкин. Талаба томонидан берилган апелляция Апелляция комиссияси томонидан 2 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

32.Талабанинг апелляциясини кўриб чиқишда талаба иштирок этиш ҳуқуқига эга.

33.Апелляция комиссияси талабанинг апелляциясини кўриб чиқиб, унинг натижаси бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қарорда талабанинг тегишли фанни ўзлаштиргани ёки ўзлаштира олмагани кўрсатилади.

- апелляция комиссияси тегишли қарорни факультет декани ва талабага етказилишини таъминлайди.

4-боб. Баҳолаш натижаларини қайд қилиш

34.Талабалар билимини баҳолаш тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи томонидан Талабаларнинг фанларни ўзлаштиришини ҳисобга олиш журналида (бундан буён матнда Журналда деб юритилади) қайд этиб борилади. Профессор-ўқитувчи қўшимча равишда талабалар билимини баҳолашни электрон тизимда ҳам юритиши мумкин.

Профессор-ўқитувчи журналда талабага қўйилган баҳоларни шу куннинг ўзида қайд этиб боради. Агар талабанинг билимини баҳолаш ёзма иш шаклида ўтказилган бўлса, бунда профессор-ўқитувчи талабаларнинг натижаларини 3 кундан кўп бўлмаган муддатда журналга қайд этиши лозим.

35.Назорат тури бўйича талабанинг билими “3” (қониқарли) ёки “4” (яхши) ёхуд “5” (аъло) баҳо билан баҳоланганда, назорат турини қайта топширишга йўл қўйилмайди.

36.Талаба назорат тури ўтказилган вақтда узрли сабабларсиз қатнашмаган ҳолларда Журналга “0” белгиси ёзиб қўйилади.

37.Журнал тегишли фан бўйича ўқув машғулотларини олиб борган профессор-ўқитувчи, кафедра мудирини ва факультет декани томонидан имзоланади ҳамда факультет деканатида сақланади. Журналнинг сақланиши учун факультет декани масъул ҳисобланади.

38.Талабаларнинг якуний назорат тури бўйича баҳолари Журналга қайд этилганда, шу куннинг ўзида талабанинг Баҳолаш дафтарига ҳам ёзиб қўйилиши керак.

Талабанинг тугалланган фан бўйича ўзлаштириш кўрсаткичи жорий, оралиқ ва якуний назоратларнинг ўртача арифметик қийматидан келиб чиқади ва бутун сонларда ифодаланади. Бунда талаба ҳар бир назорат туридан камида 3 “қониқарли” баҳо олиши лозим.

Ўқув режасига асосан бир неча семестр ўқитиладиган фанлардан тугалланмаган семестр бўйича талабанинг ўзлаштириш натижаси баҳолаш дафтари (зачётка)га “ўзлаштирди” деб қайд этилади.

Семестр якунига кўра тугалланмаган фанлар бўйича оралиқ назорат турига кирмаган ёки киритилмаган, шунингдек ушбу назорат тури бўйича “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган талаба академик қарздор ҳисобланади.

39.Якуний назорат тури бўйича талабанинг билими “2” (қониқарсиз) баҳо билан баҳоланган ёки Журналга “0” белгиси ёзиб қўйилган ҳолларда ушбу баҳо ёки белги талабанинг Баҳолаш дафтарига ёзилмайди.

40.Журналнинг ўз вақтида, тўғри ва тўлиқ юритилиши, шунингдек ундаги баҳо ва бошқа маълумотларга асоссиз ўзгартиришлар киритилмаслиги учун факультет декани ва тегишли фан бўйича профессор-ўқитувчи масъул ҳисобланади.

41.Тегишли ўқув йили якуни бўйича ишчи ўқув режадаги фанлар бўйича “3” (қониқарли) ёки “4” (яхши) ёхуд “5” (аъло) баҳо билан баҳоланган талаба

олий таълим муассасаси ректори (филиал директор)ининг буйруғига асосан кейинги курсга ўтказилади.

42.Баҳолаш натижалари кафедра йиғилишлари, факультет ва олий таълим муассасаси Кенгашларида мунтазам равишда муҳокама этиб борилади ва тегишли қарорлар қабул қилинади.

43.Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларида талабалар ўзлаштиришини баҳолаш тизимини 5 баҳо ёки 100 баллик тизим ва илғор хорижий давлатлар олий таълим тизимида қўлланиладиган баҳолаш тизимига қиёсий таққослаш ҳамда уларга ўтказиш мазкур Низомнинг иловасига мувофиқ жадваллар асосида амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоида

44.Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Ҳалқ таълими вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш инспекцияси, Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи ишлар вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги, Қурилиш вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Автомобиль йўллари давлат қўмитаси, “Навоий кон-металлургия комбинати” давлат корхонаси, Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.